ҚОДИРИЙ МАҲОРАТИНИГ АЖИБ ҚИРРАСИ

Ф.ЭШБОЕВА

Автор статьи рассматривает идейно-художественные функции элементов устной драмы, введенных в ткань романа “Минувшие дни” А.Кадири.

The author of the article discusses the ideological and literal functions of the elements of the oral drama introduced in the novel “Days Gone” by A. Qodiriy.

Адабиётимиз тараққиётида халқ оғзаки ижодининг ўзига хос ўрни бор. Ижодкорларимиз асар тилининг жозибадорлигини оширишда, қаҳрамонлар характерини тўлақонли очиб беришда кўпинча фольклорга мурожаат қиладилар. Чунки халқ оғзаки ижоди асрлар давомида сайқал топиб, такомиллашиб борганлиги, халқ ҳаётининг бир парчаси ҳисобланган, халқнинг эзгу ниятлари ва дарду ҳасратлари жамланган учун ҳам халқ дилига яқиндир. Бадиий асарларда қўлланган халқ оғзаки ижоди намуналари нафақат асар жозибадорлигини ошириш, балки унинг халқчиллигини ҳам намоён этувчи восита вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам ёзма адабиётда фольклор анъаналарининг қўлланиши доимо даврнинг ўзига хос қирраларини очиб беришда муҳим бадиий-эстетик асос вазифасини бажариб келмоқда. Қолаверса, ёзма адабиётга қўлланилган фольклор анъаналари бевосита адибнинг бадиий ниятини рўёбга чиқариш, халқ ҳаётини бадиийлик мезонлари асосида ҳаққоний тасвирлаш воситаси эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди анъаналарига таяниш асар воқеалари ва қаҳрамонлари характерининг тўлақонли чиқишини ҳам таъминлайди. Бу ҳақда таниқли ёзувчимиз Ойбек: “Порлоқ бадиий образлар билан ифодаланган халқ фантазияси, халқ донишмандлиги, бу бой хазинани кундан-кун бойитар эди” [1.167], – деган эди.

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ижодида ҳам халқ оғзаки ижодининг таъсири анча сезиларлидир. Адиб асарларининг тилида, шунингдек, қаҳрамонлар характерини ёритишда фольклоризм кучлилигини кузатиш мумкин. Хусусан, “Меҳробдан чаён” асари сюжетидан ўрин олган оғзаки драма орқали адиб даврнинг маънавий оламини бор бўйи билан кўрсатишга муваффақ бўлган.

Халқ қизиқчилари Зокир-гов ва унинг шериклари ижросида хон саройида кўрсатилган томошалар асарнинг “Хон кўнгил очмоқчи” ва “Қизиқлар” бобида берилган бўлиб, унда ижрочилар ниҳоятда топқирлик, интуицияга асосланган яхлит “ҳиссий ва ақлий фаолиятнинг бирлиги” [2.165] орқали давр қиёфасини очиб берадилар. “...тақлид, ўхшатиш инсонга болаликдан хос бўлган хусусият. Инсон бошқа мавжудотлардан ўхшатиш қобилиятига эга эканлиги билан фарқланади, ҳатто дастлабки билимларни у ўхшатишдан олади” [2.23], – дейди Аристотель. Бизнингча, оғзаки драма ижодкорлари ҳамда ижрочиларининг ҳаракатлари, нутқларида худди шу ҳолатларни кузатиш мумкин. Аристотель тақлид қилиш деганда уч хил ҳолатни назарда тутади: тасвирнинг турли воситалари; нима тасвирланаётгани; тақлид усулларини [3.20].

Абдулла Қодирий ана шу тақлид усули орқали даврнинг жирканч қиёфасини очиб беради. Маълумки, оғзаки драмада инсоннинг моҳияти умумлаштирилган ҳолда ифода этилиб, унинг мақсади маълум ижтимоий воқеликнинг моҳиятини тўла ифодалаш ва айни вақтда кескин индувидуаллашган бадиий образда кўрсатишдир. Адиб асардаги Шайхулислом тимсолини яратиш, унинг маънавий қиёфасини янада очиқроқ кўрсатишда бадиий матнга олиб кирилган оғзаки драмадан самарали фойдаланади. Муҳими, ушбу оғзаки драма адибнинг бадиий мақсади билан уйғун келганлигини кўрамиз. Унда шайхулисломнинг мадраса талабаларига ҳужралар беришдаги қаллобликлари фош этилади. Қизиқлар томонидан яратилган кўринишларнинг аввалигсида қишлоқдан илм талабида келган олтиариқлик талаба билан шайхулислом:

“ – Тақсир , Олтиариқдан...

– Аттанг, аттанг, – деди “шайхулислом” – барвақтроқ келмабсиз-да, бачча, акун ҳамма

ҳужраларга жой йўқ, муллабаччалар жойлашиб қолган.

– Муллаларнинг арасиға қўйсангиз ҳам бўлаверади менга, – деди тавозеланиб Бахтиёр. – Биз қишлоқ одами... сиқилишсак ҳам ётавурамиз, тақсир!

– Хўб, хўб... Акун ҳужраларимиз муллабаччалар минан беҳад тўлган, ҳолоники бир тариқ ҳам сиғмайди, биз дуруғ сўзлаймиз, бошидон...”

Кейингисида эса чустлик талаба билан шайхулсислом иштирок этадилар:

.... – Ассалому алейкум, тўра почча! – деди Давлат ва кафшини ешиб келиб, “ шайхулислом” билан қўл олишиб кўришди. – Хўб саломат, офият хастедми, тақсир?

– Худога шукур, худога шукур.

Давлат рухсат, фалон кутмай “шайхулислом”нинг ёниға ўлтуриб олди.

– Ба жаноб арз..

– Бисёр хўб, арз кунед.

– Очиқ гав: бизга бир ҳужра берсалар, деб келдик-да, тўра почча!

– Хўб... Гужойи?

– Тақсир чустий, ба жаноби шумо ҳамшаҳарий.

– Яъни писари ки?

– Писари усто Муҳаммад собунгар.

– Хўб, хўб.. – деди “шайхулислом” ва “Мирзо Ҳамдам”га буюрди, – ба ҳамин одам як ҳужра додан гир” [4.528-529].

Адиб тасвирлаган бу лавҳа ва унда иштирок этган персонажларнинг ҳатти-ҳаракатлари романда тасвирланган бадиий воқеликни очиб бериш учун ишонарли восита бўлган. Асарга киритилган ушбу оғзаки драма намунаси маҳорат билан қўллангани туфайли шайхулислом сингари нопок кимсаларнинг қусурларини ишонарли тарзда фош этиб, асарнинг ўқишлилигини таъминлаган десак, муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу асар поэтик қурилишида ҳам ўзига хосликни юзага келтирган.

Маълумки, оғзаки драмаларда масхарабозлар халқ ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни сезгирлик билан пайқаб, ўз ижроларида бадиий ифода воситалари ёрдамида ўзига хос маҳорат билан одамларга қайта етказиб беришга интилганлар. Юқорида биз келтириб ўтган Абдулла Қодирий асаридан ўрин олган оғзаки драма асосан тор доира кишилар даврасида ижро этилган содда, самимий, ҳазил-мутойибага бой, бироз танқидий тарзда ифода этилган фольклор намуналари сирасига киради. Шу билан бирга, у жамиятдаги ижтимоий воқеликка ҳам эътиборни қаратиши билан эътиборга лойиқдир. Хулоса қилиб айтганда, бугунги драматургиямиз сув ичиб келаётган чашмалардан бири бўлмиш оғзаки драмаларда ижрочилар маҳорати, ҳиссий ва ақлий фаолияти маҳсули бўлган бундай асарларнинг насримиз таркибида берилиши романда характерларнинг ўзига хос кўринишлари, ижтимоий муҳитнинг реал тасвири ва асарнинг тўлақонлилиги учун хизмат қилган. Оғзаки драма жанри воситасида асар сюжет тизимига олиб кирилган шахс маданияти, ахлоқи ва имон бутлиги масалалари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Ойбек. Асарлар 9-том. – Т., 1974
2. Фалсафа қисқача изоҳли луғат.- Т., 2004
3. Аристотель. Поэтика.- Т., 2004
4. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён.- Т., 1994

Андижон давлат университети
2012 йил 11 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)